ШУҲРАТНИНГ «ОЛТИН ЗАНГЛАМАС» РОМАНИДА БОШ ҚАҲРАМОН ЭВОЛЮЦИЯСИ

Б.Мўминов

Мақолада Шуҳратнинг «Олтин зангламас» романи қаҳрамони – Содиқ 30-йиллар ўзбек зиёлисининг 60-йиллар шароити берган имкон даражасидаги талқини сифатида тадқиқ қилинган.

***Калит сўзлар**: роман, қаҳрамон, зиёли, қатағон, психологик таҳлил.*

В статье герой романа Шухрата «Олтин зангламас» («Золото не ржавеет») Садык исследуется как образ представителя узбекского интеллигента 30-годов, интрпретированного в духе периода «хрущевской оттепели».

***Ключевые слова:** роман, герой, интеллигент, репрессия, психологический анализ.*

In the article the hero of the novel Shukhrat «Oltin zanglamas» («Gold does not rust») Sadyk is explored as an image of the representative of the Uzbek intellectual of the 30s, interpreted in the spirit of the period of the «Khrushchev thaw».

***Key words:** novel, hero, intellectual, repression, psychological analysis.*

Маълумки, Шуҳратнинг «Олтин зангламас» романи 1963-1965-йилларда яратилган бўлиб, қатағон йиллари воқеаларига бағишланган ўзбек адабиётидаги биринчи романдир. Асар воқеалари кўп жиҳатдан автобиографик характерга эга. Армия сафидан Иккинчи жаҳон уруши жанггоҳларига йўл олган, урушдан сўнг сиёсий айбномалар билан 25 йилга озодликдан маҳрум этилган, жамиятдаги ижтимоий ўзгаришлар туфайли оқланиб, ижодий жараёнга қайтган ёзувчи бу романи билан ўз даврида катта «ижодий жасорат» кўрсатган эди. Асар проблематикаси долзарблиги нуқтаи назаридан кўпчиликнинг эътиборини тортди. Адиб Шуҳрат ушбу романи билан ҳали кўпчилик ошкора айтишга чўчиб турган мавзу ҳақида замон талабларига ҳамда ўз идеалига мос равишда бутун оммага ибрат ва сабоқ бўларли ижтимоий проблемани бадиий тадқиқ этишга уринди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, 60-йилларга келиб жамиятда бироз мафкуравий «енгиллик» сезилди, таъқиб ва қатағонлар танқидга учраб, эркинлик шабадаси эса бошлади. Шахсга сиғиниш оқибатларини тугатиш, демократик тамойилларни кенгайтириш йўлида уринишлар бошланди. Инсонпарварлик ва қадриятларни тиклаш борасида ҳаракатлар амалга оширилди. Маънавий ҳаётдаги зўравонлик, қаттиққўллик юмшаб, ижодкор зиёлиларнинг мустақил фикрлашига бирмунча имкон яратилди. Социалистик реализм ҳақидаги тор, догматик қарашлар ўзгариб, эркин ижодий тафаккурга йўл очилди. Инсон шахсига қизиқиш, унинг дарду ҳасратларини ифодалаш, психологик тасвир ва талқинлар бадиий ижодда ҳам ўз аксини топа бошлади. 1956 йил бўлиб ўтган коммунистик партиянинг XX съездида кўп йиллар шўро жамиятида ҳукм суриб келган шахсга сиғиниш иллати кескин танқид қилинди. Адиб Шуҳрат ўз романида мазкур ижтимоий сиёсий вазият таъсирида мафкура ва ғояларга эътиқоди кучли, социалистик жамиятга, тузумга содиқ киши характерини яратди. Бу жиҳатдан «Олтин зангламас» романи марказида ҳаракатланувчи зиёли образи муаллиф бадиий ниятини ифодалаш, ижтимоий муаммоларни кенг қамровда ёритишда муҳим функция бажарган. Содиқ образида муаллифнинг ўзи каби 50-йиллар сиёсатидан азият чеккан, ижтимоий сиёсий ўзгаришлар туфайли шукроналик ва мавжуд тузумга ишонч туйғуси билан яшаётган кишиларнинг қарашлари ўз ифодасини топган.

Асарда турли тоифа зиёлилар образлари тарихий давр контекстида ёритилган, уларнинг асардаги ўрни романнинг умумий ғоявий пафосини белгилашга хизмат қилган. Бироқ ёзувчи бош қаҳрамон хатти-ҳаракатларини ва воқеалар шиддатини белгилашда кўп ўринларда холисликдан узоқлашади ва натижада схематизм гирдобига тушиб қолади. Содиқ ҳаётида рўй берган воқеалар олдиндан белгилангандек таассурот қолдиради.

Романни ўқир эканмиз, аввалига Содиқни ҳам, Диловархўжани ҳам бирдек айблашга ботина олмаймиз. Чунки бири миллий озодлик учун курашган ва «босмачи» деб қораланган бўлса, иккинчиси ноҳақ туҳматга учраб, босмачиларга алоқадорликда айбланган, ўша жамиятнинг бегуноҳ қурбонига айланган инсонлардан эди. Лекин Диловархўжанинг ҳақиқий қиёфаси, хоинона мақсадлари кейинроқ намоён бўлади. Бу ерда муаллиф позицияси ҳал қилувчи аҳамият касб этган. Гарчи аксарият ўринларда муаллифнинг субъектив ёндашуви сезилса-да, диалоглар орқали адиб персонажлар руҳий ҳолати, характеридаги коллизияни холис очишга эришган. Қуйидаги парча фикримизнинг далили бўла олади: «Диловархўжа қўрбоши ўз фикрига якун ясагандек салмоқлади:

- Сизга ўхшаган ола ичимиздан чиқмаганда, балки...

- Сиз билан «битта-яримта ола» эмас, халқ курашган, бутун халқ. Халқ нима эканини биласизми? Довул! Ҳар қандай тўсиқни йўлидан олиб ташлашга қодир! Ҳали ичимиздан ола чиқиб енгилганмиз, деб юрибман денг?

- Ҳа, хўп, халқ курашган экан, халқ билан бирга экансиз, нега энди бу ерда ўтирибсиз?»

Кўринадики, Содиқ бу ҳолатдан қийналади, азият чекади. Чунки қўрбоши ўзининг жиноятини, нима учун бу ерга келганини билади. Содиқ эса онгли, олий маълумотли одам шўроларга қарши курашган ёт унсур сифатида айбланишига сира чидаёлмас эди. Муаллиф Диловархўжа тилидан бўлса ҳам собиқ шўроларнинг миллат бошига келтирган кулфатларини ихчам ифодалайди. Давр илғор кишиларининг тарқоқлиги, тарафкашлиги, оқ-қорани ажратолмай, турли йўлларга кириб кетганлигини қахрамонлар диалоги орқали очиб беришга ҳаракат қилади: «Ҳаммамиз бир бўзнинг учи бўламиз, ука, бой-камбағал – нимаси, мусулмон-кофирни ажратиш керак. Дин оёқ ости бўлиб кетди. Бухоройи шарифдан нима қолди! Амир аркида болалар сигир боқиб юришганмиш. Ичимиздан ола чиқиб, «вой сочимни босиб олманг» дейдиган эркаклар кўпайиб кетди... Улар тушида шер минади, ўнгида мушукдан қўрқади... Ичимда йиғилиб ётганини айтяпман. Ичимда қолиб кетганидан фойда йўқ. Ҳеч бўлмаса сиз эшитиб қолинг» [2. 161-162].

Ёзувчи Содиқ образи орқали мавжуд мафкурага чинакам содиқ, унинг ғояларига шубҳасиз ишонган ва уни ўзига мақсад деб билган инсон қиёфасини яратади. Унинг ғояларга содиқлиги лагердаги суҳбатларда ҳам аён бўлади. Диловархўжанинг асл мақсад-муддосини билган Содиқ унга шундай дейди: «Ҳа!!! Нима, сиз билан бир лагерга тушган бўлсам, орамиздаги тафовут йўқолибди? Йўқол-

майди! Имонингиз комил бўлсин, менинг қонимни қайнатганда ҳам сизникига, сизга ўхшаганларникига қўшилмайди. Минг қилинг, сиз юрган кўчадан мен юрмайман ва юролмайман. Менинг йўлим бошқа. Бу йўлдан мени сиз тугул, сиздан зўрроғи ҳам қайтаролмайди.

- Ўлсам ҳам, яша Шўро, деб ўламан денг?

- Ҳа, худди шундай деб ўламан! Шўронинг меҳри қоним билан кирган, жоним билан чиқади...»

Албатта, бу ҳолатларга асар яратилган, яъни 60-йиллар бошидаги ижтимоий-тарихий давр, сиёсий жараён назаридан ёндашсак, ёзувчининг ижодий принципини тўғри баҳолаган бўламиз. Чунки у даврда партиянинг яккаҳокимлиги ва барча жабҳаларда унинг кўрсатмаларига амал қилган ҳолда ҳаёт кечириш одатдаги ҳолга айланиб улгурган эди.

Романда бош қаҳрамон эволюцияси Содиқнинг лагердаги дўсти Богун ҳамда тоғасининг вафотида танишиб қолган аскар йигит Қобилжон образлари билан муносабатда давом этади. Содиқ Қобилжонга бор ҳақиқатни айтгандан сўнг, унинг ёрдамида аризасини бошқа йўл билан керакли жойга жўнатишга муваффақ бўлади. Бир томонда Мушаррафнинг тасодифий ўлими, Жаннатнинг қайтиб келиб Содиқнинг ўғли Марат ва онаси Адолат ҳолага ғамхўрлик қилиши каби воқеалар ҳам Содиқ характерининг маълум жиҳатларини тўлдиришда муҳим аҳамият касб этади. Мирсалим ва Қодирнинг фронтга бориши, у ерда Қодир Мирсалимни кўриб таниб қолиши, асирга тушиши, сўнгра Пушкарёвнинг партизанлар отрядида хизмат қилиш воқеалари бирмунча ишонарсиз бўлса-да, муаллиф мақсади учун вазифа бажарган дейиш мумкин. Аслида Содиқнинг ҳам урушга бориши, оғир дамларда ҳам инсонийлигини йўқотмаслиги, ишонувчан ва софдиллиги, эътиқод ва иймони бутунлиги унинг муаллиф нигоҳидаги идеалга мувофиқ қаҳрамон даражасига кўтарилишига асос бўлади. Асар сўнгида Мирсалимнинг жосус бўлиб ўз юртига келиши ва Қодир туфайли қўлга тушиши, урушда эса Содиқ билан Чуханов, госпиталда хизмат қилаётган Азизанинг учрашуви эпизодларида бирмунча зўракилик ва сунъийлик кўзга ташланади, бу нарса китобхонда ишончсизлик уйғотади. Шу ўринда халқ эпосларидаги каби қаҳрамонларнинг ҳар қандай тўсиқларни енгиб ўтиб, соғ-омон мақсадга эришиши каби романтик кайфият сезилиб туради. Содиқ ўз халқи олдидаги виждон бурчини бажариш учун қаҳрамонларча вафот этади.

Н.Соатова фикрича: «Шуҳрат ўз романининг муваффақиятини таъминлашда Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романидан ижодий ўрганди. Характерларнинг кескин тўқнашуви ва ўткир ғоявий кураши асосига қурилган бу романдаги Содиқ образи ўзбек адабиётида яратилган ҳаётий, жозибали образлардан биридир» [3]. Бизнингча, ёзувчи бадиий мақсадини ўқувчи теранроқ тушуниши учун асарда давр адабиётининг одатдаги талабларига мос якуний хулосаларнинг берилиши қаҳрамонга нисбатан симпатия уйғотишга уринишдек тасаввур уйғотади: «У олтин одам эди! Олтин эса зангламайди! Эр йигит эл учун туғилади, эл учун ўлади. Унга шон-шарафлар бўлсин!»

У.Норматов роман ҳақида фикр юритиб шундай дейди: «Ёзувчи бу романда шу қадар кўп драматик асослар топадики, уларнинг ҳаммасини тасвир этишга, қаҳрамонлар қалбига олиб киришга улгурмай қолган, натижада драматик асослар билан уларнинг бадиий ифодаси орасида номутаносиблик вужудга келган, кўпгина ҳаяжонли воқеалар бадиий картина даражасига кўтарилмай қолиб кетган, ёзувчи уларни шунчаки баён этиш, эслатиш билан чекланган. Шунга қарамай, муаллиф асарда персонажларнинг қалб драмаси тасвирига, психологик таҳлилга ҳам эътибор беради» [1.71].

Умуман, Шуҳратнинг «Олтин зангламас» романи бадиий адабиётда яхши ёритилмаган тарихий даврни, яъни 30-йиллар қатағони ва уруш йиллари воқеаларини тасвирлаши, асарнинг кенг тармоқли сюжетга эгалиги, характерлар коллизиясининг яхши очиб берилгани, тил услубининг соддалиги, халқ тилига яқинлиги ва халқона ибораларга, мақол-маталларга бойлиги билан ҳам ўзбек романчилигининг яхши бир намунаси десак, муболаға бўлмайди.

Адабиётлар:

1. Шуҳрат замондошлар хотирасида. – Т.: Ўзбекистон, 2008.- Б.71.
2. Шуҳрат. Олтин зангламас. – Т.: Шарқ, 1999.
3. Н. Соатова. «Олтин зангламас» романида романик тафаккур. // Ўзбек тили ва адабиёти.- 2013.- № 3.
4. Ш. Ризаев. Эътиқод машъали. // Шуҳрат. Олтин зангламас. – Т.: Шарқ, 1999.

Андижон давлат университети,
2017 йил 10 январда қабул қилинган
(Тақризчи: ф.ф.б..PhD М.Шералиева)